

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁ ТИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАМАЛОВА МЕХРИНИСО ҚИЛИЧЕВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КОМПЛЕКС ТИББИЙ-
ИЖТИМОЙ ВА КЛИНИК-ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ АСОСИДА
ТИШЛАР КАРИЕСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

Фан доктори (DSc) диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the dissertation abstract of doctoral dissertation (DSc)

Камалова Мехринисо Қиличевна

Мактабгача ёшдаги болаларда комплекс тиббий-ижтимоий ва клиник-иктисодий таҳлил асосида тишлар кариесининг олдини олиш ва даволашни оптималлаштириш 3

Камалова Мехринисо Қиличевна

Оптимизация профилактики и лечения кариеса зубов у детей дошкольного возраста на основе комплексного медико-социального и клинико-экономического анализа 35

Kamalova Mekhriniso Qilichevna

Optimization of prevention and treatment of dental caries in preschool children on the basis of a comprehensive medical-social and clinical-economic analysis 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 69

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КАМАЛОВА МЕХРИНИСО ҚИЛИЧЕВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КОМПЛЕКС ТИББИЙ-
ИЖТИМОЙ ВА КЛИНИК-ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ АСОСИДА
ТИШЛАР КАРИЕСИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ДАВОЛАШНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Tib427 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.bsmi.uz ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Маслак Елена Ефимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камилов Хайдар Пазирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Косюга Светлана Юрьевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент
(Россия Федерацияси)

Муртазаев Сандмуродхон Сандалоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Гулямов Суръат Сандвалиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Беларусь давлат тиббиёт университети
(Беларусь Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 29» шнб соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (226 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» шнб кун тарқатилди.
(2021 йил «12» шнб даги 18 рақамли реестр баённомаси).



А.Ш. Иноятов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Н. Ачилова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам вақтинчалик тишлар кариесини юқори даражада тарқалиши, кариес асоратларини катта миқдори ва мактабгача ёшдаги болаларга стоматологик ёрдам даражасининг пастлиги қайд этилмоқда. «...5-6 ёшдаги болаларда 3,9-6,5% кариоз тишлар пломбаланган, кпу/КПУ тузилмасида илгари олинган ва олиб ташланадиган тишларнинг солиштира оғирлиги 20,1-25,9% ни ташкил қилади»¹. Бугунги кунда профилактик чора-тадбирларни ўтказмасдан, фақат кўриклар ва даволаш чоралари аҳолини стоматологик касалликларини камайтиришда сезиларли муваффақиятларга олиб келмайди. Профилактик йўналишнинг устивор ривожланиши билан болалар аҳолисига стоматологик ёрдам кўрсатишда парадигмаларни ўзгартириш зарурияти бирламчи аҳамиятга эгадир.

Жаҳон миқёсида мактабгача ёшдаги болалар учун энг қулай хизмат шакли профилактик стоматологик ва даволаш ёрдамини бевосита мактабгача болалар муассасаларида кўрсатиш ҳисобланади. Умуман соғлиқни сақлаш ва хусусан, болалар стоматологиясининг глобал муаммоларидан бири тишлар кариесини замонавий парадигмасининг асосий қоидаларини назарий асослаш ва илмий ютуқларини амалий қўллаш нуктаи назаридан, кариеснинг этиологияси, олдини олиш ва даволаш масалалари бўйича илмий изланишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тақдим этилган тадқиқот натижалари тишлар кариеси ва унинг ривожланиш ҳавф омилларининг юқори тарқалишини кўрсатади, бу эса мактабгача ёшдаги болаларга стоматологик ёрдам кўрсатишнинг етарли даражада эмаслиги билан бирга, профилактик ва терапевтик таркибни ўз ичига олган илмий асосланган дастурларни ишлаб чиқишни талаб этади.

Мамлакатимизда болалар аҳолиси орасида стоматологик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, шу ўринда кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолида соғлом турмуш тарзини шакллантириш»² вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини ривожланиш ҳавф омиллари ва тарқалишини эрта аниқлаш, болаларга сифатли стоматологик ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш, кариесни бирламчи ва иккиламчи профилактика усуллари мужассамлашган

¹Саидова Н.Б., Саидов А.А., Атаханов Э.С. Распространенность кариеса зубов у детей, проживающих в сельских районах Республики Узбекистан // Российская стоматология, 2016. - №9(1). - С. 59.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // www.lex.uz.

мажмуавий таъхислаш ва даволашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.³ Мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесининг эпидемиологияси ва олдини олиш дастурларига бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: National and Kapodistrian University of Athens, Zografou, (Greece); University of Copenhagen (Denmark); University of Melbourne (Australia); Institutes of Health, University of Louisville, University of Otago, University of North Carolina, University of California, University of Michigan, University of Washington, DentaQuest Institute, University of Maryland, University of Texas, The Ohio State University, Center for Evidence-Based Dentistry, Science Institute, American Dental Association, American Academy of Pediatric Dentistry, American Association of Public Health Dentistry (USA); Scientific Information, Science Institute, National Institute of Dental and Craniofacial Research, National Peking University, Shanghai Stomatological Hospital, Fudan University, Guangxi Medical University, Northwest Minzu University, Central South University, University of Hong Kong, Dental Disease Control Institute (China); University of Chile; McMaster University (Canada); Курск давлат тиббиёт университети (Россия), Тошкент давлат стоматология институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесининг олдини олиш ва даволашни оптималлаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: эрта болалар кариесини бартараф этиш учун фторидли ва фторсиз воситалардан фойдаланиб кариеснинг турли профилактика усуллари ишлаб чиқилган

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.xbmu.edu.cn, www.csu.edu.cn, www.unimeib.edu.au, www.hku.hk, www.otago.ac.nz, www.ucs.edu, www.ada.org/en, www.aapd.org/, www.aaphd.org/, www.nidcr.nih.gov/research, www.nih.gov, www.mcmaster.ca, www.uchile.ci/english, www.scienceinstitute.in/, www.dental.umaryland.edu/ ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Universidade Federal do Rio de Janeiro, Бразилия; New York University, АҚШ; Nanjing University, Хитой; University of Otago, Янги Зелландия); фторидли лакнинг тишлар кариесини профилактика қилишдаги ўрни исботланган (University of Dundee, Буюк Британия; University of North Carolina, АҚШ); вақтинчалик тишларнинг фиссураларини герметизация қилиш усули кариесни олдини олишда таъсир этиши асосланган (Medical University of Vienna, Австрия; Волгоград давлат тиббиёт университети, Россия); кариесли зарарланишларни даволашда герметизациянинг ижобий ўрни белгиланган (Katholieke Universiteit Leuven, Белгия); реминерализацияловчи препаратлардан фойдаланиб вақтинчалик тишлар кариесини ноинвазив терапияси (Istanbul University, Туркия); кумуш диаминфторид препаратлари (Tokyo Medical and Dental University, Япония; University of Hong Kong, Хитой) тишларни атравматик қайта тикловчи даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Thammasat University, Таиланд); Копенгаген университети (Дания) олимлари томонидан болаларда тишлар кариесини нооператив даволаш дастури яратилган; мактабгача ёшдагиларда кариес профилактикасининг алоҳида воситалари ва усуллари қўллашнинг клиник-иктисодий самарадорлиги тадқиқ қилинган (Linköping University, Швеция; University of Glasgow, Буюк Британия; Беларусь давлат тиббиёт университети, Беларусь).

Жаҳонда мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесининг олдини олиш ва даволаш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: мактабгача таълим муассасалари шароитида вақтинчалик тишлар кариесини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун скрининг текширувидан фойдаланиш; кариесни нореставрацион даволашнинг энг самарали усуллари аниқлаш; иккиламчи кариесни олдини олиш ва янги кариоз шикастланишларни пайдо бўлишини оғохлантириш учун янги стратегияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш; мактабгача ёшдаги болаларда кариесни олдини олишда ота-оналар ва мактабгача таълим муассасалари ходимларининг стоматологик билимларини ошириш; мактабгача ёшдаги болаларда вақтинчалик тишлар кариесини олдини олиш ва даволаш бўйича турли дастурлардан фойдаланиш натижаларини ишлаб чиқиш ва ўрганиш; энг юқори клиник ва иқтисодий самарадорликка эга бўлган кариеснинг бирламчи ва иккиламчи профилактик чора-тадбирлари мужассамлашган мажмуавий дастурларни қиёсий таҳлил қилиш ва такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини даволаш ва олдини олиш масалалари бўйича кўп сондаги илмий тадқиқотлар мавжуд (Lee G.H.M. et al., 2016; Хамадеева А.М. ва ҳаммуаллифлар., 2018; Fisher-Owens S.A., Mertz E., 2018). Бироқ улар тор доирадаги вазифаларни ҳал этишга: касалланиш кўрсаткичларини (Манриқян М.Е., 2012; Kassebaum N.J., 2014; Калиниченко Н.В., 2015) ва кариеснинг ҳавф омилларини (Kutsch V.K., 2014; Казарина Л.Н., Пурсанова А.Е., 2015; Кабулбеков А.А., Кистаубаева Ж.А., 2016; Lai B. et al., 2017), ёки кариесни даволаш ва олдини олишни бир-иккита восита ва усуллари қўллаш натижаларини тадқиқ қилишга (Сушенко А.В., 2014;

Родионова А.С., Маслак Е.Е., 2016; van Loveren C., van Palenstein Helderma W., 2016), ёки қандайдир даволаш профилактик чора тадбирларини қўллашни иқтисодий чора тадбирларини аниқлашни (Marthaler T.M., 2013; Ladewig N.M., 2018; Shinechimeg D., 2018) ўрганишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг турли туманларида тишлар кариесини тарқалиши ва жадаллиги ўрганилган, бироқ олинган маълумотлар турли тумандир. 3-4 ёшли болаларда кариесни 52,4% дан 89,6% гача, у 5-6-ёшли болаларда 74,4% дан 89,3% гача тарқалиши тўғрисида, кпу бўйича кариес жадаллиги 3-4 ёшли болаларда 2,29% дан 3,72% гача, 5-6-ёшли болаларда 2,98% дан 5,14% гача тарқалиши тўғрисида хабар берилади (Худанов Б.О., 2015; Саидова Н.Б. ва ҳаммуллифлари., 2016; Зокирхонова Ш.А., 2018; Камалова Ф.Р., Казакова Н.Н., 2019). Болаларда кариесни ривожланиш ҳавфининг турли туман омилларини ўзаро алоқаси ўрганилган, бироқ муаллифлар уларнинг етакчи аҳамиятини турлича белгилайдилар, бир хиллари энг муҳими деб ширинликларни доимий истеъмол қилиниши деса, бошқалар тишларни кунда 2 мартадан кам тозалаш, учинчилари эса - оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини паст даражаси деб ҳисоблайдилар. (Анистратова С.И., 2015; Леус П.А., 2017; Alhabdan Y.A. et al., 2018; Su H. et al., 2018; Tinanoff N. et al., 2019).

Мамлакатимизда болалар боғчаси тарбияланувчиларида тишлар кариесини олдини олишни алоҳида усул ва дастурлари; санитар-гигиеник тарбиялар, вақтинчалик тиш фиссураларини гермитизацияси (Худанов Б.О., 2015), тизимли фторидларни (Зокирхонова Ш.А., 2018) қўлланилишига бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Шу билан бирга кузатувлар Бухоро вилояти ҳудудида мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволашнинг турли дастурларини клиник-иқтисодий самарадорлигини қиёсий тадқиқи ўтказилмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса ўз вақтида мактабгача ёшдагиларда тишлар кариеси муаммосини аниқлашда мажмуавий ёндошув зарурлигига, таққослаш таҳлили асосида турли дастурларни афзаллик ва камчиликларини аниқлашга ва оптимал ечимларни тақлиф этишга имкон беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтида «Бухоро минтақасида иссиқ иқлим шароитида патология олди ва патологик ҳолатларни эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашиш йўллари ишлаб чиқиш (2017-2021йиллар)» 12.2019 DSc 043-сон илмий-тадқиқот ишларининг режаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тиббий-ижтимоий ва клиник-иқтисодий таҳлил асосида мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволашнинг мажмуавий дастурларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шаҳар ва қишлоқдаги мактабгача ёшдагиларда тишлар кариесини ривожланиш ҳавф омиллари ва тарқалишини ўрганиш, стоматологик текширувларни ўтказиш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг стоматологик саломатлигини сақлаш учун мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари маъсулияти ва ота-оналарнинг стоматологик билимларини баҳолаш;

мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволашнинг скрининг дастурларини амалга ошириш ва клиник самарадорлигини баҳолаш;

болалар боғчаси тарбиячилари ва болаларнинг ота-оналари иштирокида тишлар кариесини олдини олишга йўналтирилган болаларнинг саломатлигини сақлаш ҳуққини шакллантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва мактабгача ёшдаги муассасаларда синовдан ўтказиш, самарадорлигини баҳолаш;

мактабгача болалар муассасалари шароитида кариесни бирламчи ва иккиламчи профилактика усуллари мужассамлашган мажмуавий дастурларини ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва клиник самарадорлигини аниқлаш;

ишлаб чиқилган дастурларнинг “қиймат-самара” мезонлари бўйича клиник-иқтисодий самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

мактабгача ёшдаги болаларнинг тишлар кариесини даволашда давлат соғлиқни сақлаш тизими ҳаражатларини камайтириш имкониятини баҳолаш учун ишлаб чиқилган дастурларнинг математик моделлаштириш усули билан иқтисодий таҳлилини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида вазифаларга мувофиқ Бухоро шаҳар ва Бухоро вилояти туманларида туғилган ҳамда шу ерда доимий истиқомат қилувчи 3-6 ёшдаги 959 мактабгача ёшдаги болалар танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида стоматологик касалликлар, кариесни ривожлантирувчи хавф омиллари, мактабгача ёшдагиларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволаш дастурлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда стоматологик, тиббий-ижтимоий, клиник-иқтисодий ва статистик усуллари билан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор шаҳар ва қишлоқ жойларида доимий истиқомат қилувчи мактабгача ёшдаги болаларда стоматологик касалланишнинг юқори кўрсаткичлари тиш кариеси ривожланишининг хавф омиллари, кариес билан зарарланиш интенсивлиги ва кечишининг фаоллигига узвий боғлиқ бўлиши аниқланган;

ишлаб чиқилган мактабгача ёшдаги болаларда эрта кариеснинг профилактик дастурлари клиник самарадорлиги кариоз зарарланишни аниқлаш стоматологик скрининги, ота-оналар, боғча тарбиячиларининг стоматологик билими, кариеснинг бирламчи ва иккиламчи профилактика чора-тадбирларининг юқори даражада бажарилиши билан боғлиқлиги исботланган;

кариесни олдини олиш дастурлари тиббий самарадорлигига қараб шаҳардаги тенгдошларига нисбатан қишлоқда яшовчи мактабгача ёшдаги болаларда вақтинчалик тишлар юзаси кариоз шикастланиш интенсивлиги миқдор кўрсаткичларининг паст даража бўлиши аниқланган;

тиш эрта кариесининг олдини олиш дастурларининг иқтисодий мувофиқлигини аниқлаш учун “қиймат-самара” мезони ва математик моделлаштириш усули бирламчи ва иккиламчи профилактик дастурларининг узоқ муддатга кариесни олдини олиш ва кариес асоратларини даволашда харажатларни янада тежаш имконини бериши аниқланаган;

мактабгача таълим муассасалари шароитида тиббий-ижтимоий ва клиник-иқтисодий самарадорлиги энг юқори, кариеснинг бирламчи ва иккиламчи профилактик тадбирлари мужассамлашган мажмуавий дастурларини тадбиқ қилиш тиш кариоз зарарланишининг ўсиши, кечиш фаоллиги ва интенсивлиги индекси кўрсаткичларининг камайишига имкон бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

профилактик дастурларни жорий этиш натижаларини баҳолаш имконини берувчи энг аҳамиятли мезонлар (тишлар юзаси кариесини ўсишини пасайиши, болалардаги даволанмаган кариоз тишлар миқдорини пасайиши, даволанган кариозли шикастланишлар миқдорини ортиши) аниқланган;

скринингли дастурлар тишлар кариесини олдини олишга таъсир кўрсатмаслиги ва болаларда даволанмаган кариозли тишлар миқдорини сезиларсиз пасайтириши, ота-оналар жалб этиладиган дастурларнинг юқори бўлмаган клиник самарадорлиги баҳоланган;

тишлар кариесини бирламчи ва иккиламчи профилактикаси мужассамлашган мажмуавий дастурлари болаларда оғиз бўшлиғи санация кўрсаткичларини ошириши ва болаларда тишлар кариесини даволашга давлат соғлиқни сақлаш тизимининг харажатларини тежаш орқали энг юқори иқтисодий самара бериши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, боғча тарбияланувчилари сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти қишлоқ ва шаҳар жойларида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдагиларни юқори стоматологик касалланиши ва тарқалиши тўғрисидаги янги маълумотларни олиш, болалар мактабгача муассасалари шароитида мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволашнинг янги йўналишларини назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болалар мактабгача таълим муассасалари шароитида кариесни бирламчи (фиссуралар герметизацияси, фторидли лак билан қоplash ва ҳ.к.) ва иккиламчи профилактикаси (тишлар

кариесини ноинвазив ва минималинвазив даволаш)ни қўллашнелиши, мактабгача ёшдагиларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволаш мажмуавий дастурларини амалиётга жорий этилиши стоматологик касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш имконини бериши ва болаларда стоматологик саломатлик кўрсаткичларини яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тиббий-ижтимоий ва клиник-иктисодий таҳлил мажмуаси асосида мактабгача ёшидаги болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мактабгача ёшдагиларда стоматологик касалликларнинг скрининг алгоритми бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болалар боғчалари шароитида мактабгача ёшдагиларда стоматологик касалликларнинг скрининг алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/673-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши болаларда стоматологик касалликларни эрта босқичларида аниқлаш ва олдини олиш, болаларнинг тишларини даволаш учун ота-оналарнинг стоматологик поликлиникага мурожаатларини ошириш ҳамда кариес асоратларини камайтиришга хизмат қилган;

мактабгача ёшдагиларда тишлар кариесини мажмуавий олдини олиш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болалар боғчаси шароитида мактабгача ёшдагиларда тишлар кариесини мажмуавий олдини олиш схемаси» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/672-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши мактабгача ёшдаги болаларни соғлом турмуш тарзига, соғлом овқатланиш, оғиз бўшлиғини гигиеник ҳолатини яхшилашга ва болаларнинг тишлар кариеси билан касалланишини сезиларли пасайтиришга хизмат қилган;

мактабгача ёшдаги болаларда вақтинчилик тишлар дентин кариесини ноинвазив даволаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Мактабгача ёшдаги болаларда вақтинчилик тишлар дентин кариесини ноинвазив даволаш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 31 декабрдаги 8н-р/671-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши болаларни стоматологик ёрдамга қамраб олиш даражасини оширишга, соғлиқни сақлаш ташкилотларининг болаларнинг стоматологик даволанишига ажратадиган ҳаражатини пасайтиришга, болалар ахолиси орасида стоматофобия даражасини камайтиришга хизмат қилган;

Тиббий-ижтимоий ва клиник-иктисодий таҳлил мажмуаси асосида мактабгача ёшидаги болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Ғиждувон туман стоматологик поликлиникаси, Қашқадарё вилояти тиббиёт бирлашмаси Косонсой туман стоматологик поликлиникаси давлат унитар муассасаси, Вобкент туман стоматологик поликлиникаси, Хоразм вилояти

стоматологик поликлиникаси, Навоий вилояти Навоий шаҳар 2-оилавий поликлиникаси ва Бухоро вилояти кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази амалиётларига тадқиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 8н-д/9-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволаш сифатини яхшилашга, асоратлар сонини камайтиришга ва физиологик алмашинувгача вақтинчалик тишларни сақланиш муддатини узайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 13 та, жумладан, 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан 13 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 183 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазибалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мақтабгача ёшдаги болаларда асосий стоматологик касалликларнинг эпидемиологик кўрсаткичлари ва хавф омилларининг ривожланиши”** деб номланган биринчи бобида тадқиқотлар мавзуси бўйича замонавий адабиётларнинг таҳлили келтирилган. Аниқландики, мақтабгача ёшдагиларда асосий стоматологик касаллик бўлиб, вақтинчалик тишлар кариеси ҳисобланади, у жаҳоннинг барча мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам кенг тарқалган. Болаларда тишлар кариесини олдини олиш учун турли усул ва воситалар қўлланилади, бироқ коммунал даражадаги натижаларга эришиш учун профилактик ишларига шифокор-стоматологларни ҳам, болаларнинг ота-оналари ва болалар боғчасининг тарбиячиларини жалб этиш зарур. Таклиф этилган профилактик дастурлар сонини катта бўлишига қарамасдан уларнинг самарадорлиги қиёсий баҳолаш ўтказилмаган. Болаларга стоматологик ёрдам ҳолатининг таҳлили ва вақтинчалик тишлар кариесини даволашни замонавий

имкониятлари мактабгача ёшдаги болаларга даволаш-профилактик стоматологик ёрдамни яхшилаш бўйича чора тadbирларни ишлаб чиқариш заруриятини кўрсатади.

Диссертациянинг “Тадқиқот усуллари ва клиник материалнинг умумий таснифи” деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материаллари ва усуллари тавсифи тақдим этилган. Тадқиқотлар етита босқичда (1-расм) бажарилди.



1-расм. Тадқиқот дизайни

Дастлаб замонавий адабиёт маълумотларини ўрганиш асосида, танланган мавзунинг долзарблиги асосланди. Биринчи босқичда Бухоро шаҳар ва Бухоро вилояти туманлари болаларида стоматологик тадқиқотлар

ўтказилди. Шифокор-стоматологлар томонидан болаларни клиник текширишлари болалар мактабгача таълим муассасалари тиббий пунктларида амалга оширилади (ҳар бир тумандаги 4 болалар боғчаси бўйича). Тадқиқот гуруҳлари таркибини 3 ёшли (231 бола), 4 ёш (241 бола), 5 ёш (243 бола) ва 6 ёш (244 бола) ни ташкил этади. Ҳар бир ёш гуруҳида ўғил болалар ва қиз болалар сони тахминан деярли бир хил миқдорда бўлди. Тадқиқотда жами бўлиб 959 болалар иштирок этди, улардан Бухоро шаҳрида истиқот қилувчи 320 нафар болалар, Бухоро вилояти Олот туманидан 319 нафар ва Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида истиқомат қилувчи 320 нафар болаларни қамраб олган.

Иккинчи босқичда 3-6 ёшли мактабгача ёшдаги болаларда стоматологик касалликларни юзага келишидаги мойил бўлган ҳавф омилларини ўрганиш келтириб ўтилган (тадқиқотда иштирок этган болаларнинг 959 ота-оналарини сўровнома маълумотлари бўйича).

Учинчи босқич болалардаги тиш касалликларини олдини олишни амалга оширишда тарбиячиларнинг ролини аниқлаш учун болалар боғчаси тарбиячиларини интервьюлаштиришни ўз ичига олади. Тадқиқотларда 120 нафар педагог-тарбиячилари иштирок этди (болаларни текшириш ўтказилган ҳар бир болалар боғчасидан 10 нафардан педагог тарбиячилар). Тўртинчи босқич даврида болалар боғчасидаги тарбияланувчиларида тишлар кариесини олдини олишни 4 дастурлари ўтказилди.

Ҳар бир дастур 3-ихтиёрий танлаб олинган болалар боғчасида (Бухоро шаҳри, Олот тумани, Қорақўл туманидан биттадан танлаб олинган болалар боғчаси) амалга оширилди, уларда мактабгача ёшдагиларни бирламчи эпидемиологик текшируви ўтказилди. №1 Дастур ўз ичига болаларни скринингли стоматологик текширишларини қамраб олди. Бошқа дастурлар болаларни скринингли текширишдан ташқари қўшимча равишда турли чора тадбирларни ўз ичига олди. №2 Дастур болалардаги тишлар кариесини ўз вақтида даволаш ва олдини олишга ота-оналарни жалб этилишига қаратилган. №3 Дастур болаларда саломатликни сақлаш ҳулқини шакллантиришни кўзда тутди. №4 Дастурда эса шифокор-стоматологлар кариеснинг бирламчи (фторидли лакни қўллаш ва фиссураларни гермитизацияси) ҳамда иккиламчи профилактикаси (кариесни даволашни ноинвазив ва энг кам инвазив усуллари) мажмуасини ўтказдилар.

Тадқиқотларнинг бешинчи босқичи ўз ичига профилактика дастурлари натижаларини аниқлаш ва кариесни бирламчи ва иккиламчи профилактикасига нисбатан (тишлар юзаси кариоз шикастланиши ўсиш мезонлари ва кпу/кпуп индекслар тузилмасида “к” ва “п” кўрсаткичлари бўйича) самарадорлигини баҳолашни қамраб олди. Тадқиқотнинг олтинчи босқичида ишлаб чиқилган профилактик дастурларни клиник-иктисодий таҳлили ўтказилди. Дастурларнинг таннархи ҳисобланди, математик моделлаштириш усули маълумотлари бўйича, CER ва ICER кўрсаткичлари бўйича уларнинг клиник-иктисодий самардорлиги аниқланди. Еттинчи босқичда олинган маълумотларни критик таҳлили ва статистик қайта

ишлашни кўзда тутди, бунинг натижасида эса ишончли хулоса, яқун ва тавсиялар амалга оширилади.

Диссертациянинг **“3-6 ёшдаги болаларда стоматологик текширувнинг натижалари”** деб номланган учинчи боби 3-6 ёшли болаларда эпидемиологик стоматологик текшириш натижаларини ёритиб беради. Болалар боғчасидаги мактабгача ёшдагиларда стоматологик текширишлар ўтказиш вақтида аксарият болалар (74,90%) яхши ҳулқини намоёиш этди: аниқ ижобий - 14,79%, яхши - 60,11%. Салбий ҳулқий кўрсаткичлар 21,67% болаларда қайд этилди, аниқ салбий- 3,44% да кузатилди. Кўплаб болалар (53,69%) милклар яллиғланишига нисбатан тишларидаги муаммолар бўйича оғиз бўшлиғида нохушлиқни ҳис этдилар. Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватидаги ўзгаришлар 19,82% болаларда қайд этилди. 9,09% мактабгача ёшдагиларда лаб ва тил узангиси, оғизнинг кичик тешиги тузилмасида нуқсонлар аниқланди, улар кейинчалик пародонтнинг сурункали касалликларини ривожланишига олиб келиши мумкин. 27,53% болаларда турли этиологиядаги стоматитлар ва умумий касалликлар учун хос бўлган ўзгаришлар аниқланди.

Милклар ҳолатини баҳолаш қуйидаги натижаларни кўрсатди. 6,99% нафар мактабгача ёшдагиларда милкларнинг ҳаддан ташқари рангпарлиги аниқланди, бу камқонликнинг мавжудлигини кўрсатиши мумкин. Бухоро шаҳридаги болаларда милкларнинг камқонлик ҳолати Олот ва Қоракўл туманларидаги болаларга нисбатан сезиларли даражада кам учради: мос ҳолда 9,09% ва 8,46%га қарши 3,44%, $p < 0,05$. Ҳар бешинчи мактабгача ёшдагиларда парадонт тўқимастининг визуал яллиғлиниш белгиларига кузатилди. GI ва РМА индекс маълумотлари бўйича гингивитнинг енгил даражаси 21,80% болаларда, ўртача оғирлик даражаси эса - 0,10% болаларда кузатилди. Шаҳарлик тенгдошларига нисбатан қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдагиларда сезиларли даражада кўп ($p < 0,05-0,001$) милклардан қон кетишига шикоятлар учради, юзнинг тери қопламаси ва лабларнинг қизил гардишида ўзгаришлар, жағ ости лимфа тугунларини оғриқсиз катталашини, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватини жойлашган гиперемияси, ёки шиллиқ қават ва милкларни оқариши лаб ва тил узангисининг нуқсонлари, оғиз бўшлиғининг кичик кириш йўлагидagi гингивитлар аниқланди. Аксарият болалар (63,28%) оғиз бўшлиғининг ёмон ёки қониқарсиз гигиеник ҳолатига эга бўлдилар, қишлоқ ва шаҳарда истиқомат қилувчилар ўртасида қонуниятли фарқлар бўлмади.

Жами бўлиб, 10,43% текширилган болалар соғлом тишларга эга бўлдилар, мактабгача ёшдагиларда вақтинчалик тишлар кариесини тарқалиши 89,57% ни ташкил этди (Бухоро шаҳрида - 86,83%, Олот туманида - 93,22%, Қоракўл туманида - 88,75%). Аксарият мактабгача ёшдагилар (98,63%) соғлом ёриб чиққан доимий тишларга эгадирлар, доимий тишларда кариесни тарқалиши 1,37% ни ташкил этди. Доимий тишларни кариес билан шикастланиши фақат Бухоро шаҳридаги мактабгача ёшдагиларда аниқланди (тарқалиш - 4,20%). Бир нафар мактабгача ёшдаги бола учун кпу индекси бўйича вақтинчалик тишларни кариес билан шикастланиши ўртача $4,16 \pm 0,10$

ни ташкил этди. Кпу индекс бўйича тишлар юзасини кариозли шикастланиш жадаллиги $6,52 \pm 0,19$ ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

Мактабгача ёшдагиларда кариеснинг интенсивлик кўрсаткичлари

Кариес билан шикастланиш индекси	Болалардаги индекслар белгилари ($M \pm m$)			
	Бухоро шаҳри	Олот тумани	Қорақўл тумани	Стандартлаштириш кўрсаткичлари
Кпу	$4,23 \pm 0,11$	$4,34 \pm 0,09$	$3,92 \pm 0,09^b$	$4,16 \pm 0,10$
Кпуп	$7,20 \pm 0,21^c$	$6,08 \pm 0,17^{a,c}$	$6,28 \pm 0,18^{a,c}$	$6,52 \pm 0,19$
КПУ	$0,04 \pm 0,04$	0,00	0,00	$0,01 \pm 0,01$
КПУп	$0,04 \pm 0,04$	0,00	0,00	$0,01 \pm 0,01$


^a Бухоро шаҳридаги болаларга нисбатан аҳамиятли фарқлар ($p < 0,05-0,01$);

^b Қорақўл ва Олот тумани ўртасидаги аҳамиятли фарқлар ($p < 0,05-0,01$).

^c Кпуп ва кпу индекси белгилари ўртасидаги аҳамиятли фарқлар ($p < 0,05-0,01$).

Тадқиқотда иштирок этган барча туманларда кпуп индексининг белгиси кпу белгисига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,001$): Бухоро шаҳрида - 1,7 марта, Олот туманида - 1,4 марта, Қорақўл туманида - 1,6 марта. Вақтинчалик тишлар юзасини кариозли шикастланиш жадаллиги (кпуп индекси маълумотлари бўйича) шаҳардаги тенгдошларига нисбатан қишлоқда истиқомат қилувчи мактабгача ёшдагиларда сезиларли даражада паст бўлди. Бухоро шаҳридаги болалар учун КПУ ва КПУп бир хилда - $0,04 \pm 0,04$ бўлди.

Ёш нуқтаи назаридан кариес билан шикастланишларни ўрганиш шуни кўрсатдики, барча туманлардаги 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда вақтинчалик тишлар кариесини тарқалиш кўрсаткичлари сезиларли равишда ошди. Вақтинчалик тишлар кариесини тарқалиш кўрсаткичларини стандарт белгилари 3 - ёшли болаларда 59,52%, 4-ёшлиларда - 91,17%, 5-ёшлиларда - 97,98%, 6-ёшлиларда 100% (2-расм) ташкил этди.



2-расм. Тадқиқот туманларидаги мактабгача ёшдагиларда вақтинчалик тишлар кариеси тарқалишини ёш динамикаси

Қишлоқда истиқомат қилувчи мактабгача ёшдагиларда, уларни шаҳардаги тенгдошларига нисбатан солиштирилганда вақтинчалик тишлар кариесини янада юқори тарқалишини умумий тенденцияси аниқланди, гарчи 3 ёшлик шаҳарлик болаларда кариесни тарқалиши, қишлоқдагиларга нисбатан юқори бўлди.

Кпу индекси маълумолари бўйича кариесни жадаллиги 3 ёшдан 6 ёшгача бўлганларда 3,6 мартага $1,85 \pm 0,04$ дан $6,72 \pm 0,09$ гача ошди ($p < 0,001$). 3 ва 6 ёшдаги ёш оралиғида шаҳарда истиқомат қиладиган мактабгача ёшдагиларда вақтинчалик тишлар кариесининг жадаллиги қишлоқдаги болаларга нисбатан юқори бўлди, бунда 4 ва 5 ёшда тескари боғлиқлик кузатилди (3-расм).


Шаҳар ва қишлоқ болалари ўртасидаги кариес фаоллигини турли даражасини учраш сони бўйича сезиларли фарқлар аниқланмади, 53,80% болалар кариес фаоллигини I даражасига 53,80% , 23,67% болалар II - даражасига ва 12,10% болалар эса III - даражасига эга бўлдилар.



3-расм. Тадқиқот туманларидаги мактабгача ёшдагиларда вақтинчалик тишлар кариеси жадаллигини ёш динамикаси

Мактабгача ёшдаги болаларда кпу индексининг тузилмасида тишлар кариози - 87,78% билан устунликка эга бўлди, пломбаланган тишлар - 10,76% ни ташкил этди, тишларни муддатидан олдин олиб ташлаш - 1,46%ни ташкил этди. Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи болаларда даволанмаган кариозли тишлар миқдори (“к” кўрсаткичи), шаҳарлик тенгдошларига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,05$): Олот туманида - 92,65%, Қоракўл туманида - 92,12%, Бухоро шаҳрида - 78,57%.

Стоматологик ёрдам даражаси (СЁД) кўрсаткичларини аниқлаш Бухоро шаҳри ва вилоят туманлари ўртасида сезиларли фарқларни аниқлади (4-расм). Бухоро шаҳрида мактабгача ёшдаги болаларга кўрсатиладиган стоматологик ёрдам етарли даражада бўлмади (СЁД кўрсаткичи 18,78%), Олот ва Қоракўл туманларида паст даражада бўлди (мос холда СЁД 6,40% ва 7,09%). СЁД нинг стандартлаштирилган кўрсаткич белгилари 10,76%ни ташкил этди, бу болаларга кўрсатиладиган стоматологик ёрдамнинг паст ва етарли бўлмаган даражаси ўртасидаги чегара маълумотларига мос келади



4-расм. Мактабгача ёшдаги болаларда стоматологик ёрдам даражасининг кўрсаткичлари

Мактабгача ёшдагиларни эпидемиологик текшириш натижалари мактабгача таълим муассасаларига ташриф буюрувчи болаларда тишлар кариесини олдини олиш ва даволаш дастурларини жорий этиш зарурлигини асослаб беради.

Диссертациянинг “**Мактабгача бўлган болаларда кариеснинг хавф омиллари**” деб номланган тўртинчи бобида мактабгача ёшдагиларда тишлар кариеси ривожланишини асосий хавф омиллари асосланган. Аниқландики, мактабгача ёшдаги болаларнинг ота-оналарининг маълумотлилиги кўпинча унча юқори даражада бўлмади (бошланғич ёки ўрта маълумот (оналарда 43,49% в оталарда 31,13%). Шаҳар аҳолисидаги мактабгача ёшдагиларнинг ота-оналарининг маълумотлилиқ даражаси, қишлоқда истиқомат қилувчи аҳолига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,05$): Бухоро шаҳридагиларнинг 14,06% оналари ва 34,69% оталари олий маълумотга эга бўлди, мос ҳолда Олот туманида - 8,46% ва 19,74%, Қорақўл туманида - 6,88% ва 18,75% га тенг бўлди. Мактабгача ёшдагиларнинг аксарият ота-оналари уларнинг оиласини моддий ҳолати энг кичик истиқомат даражасига мос келади деб ҳисоблайдилар - 68,16% жавобларга мос келади. Фақат 22,03% респондентлар ўз оиласининг моддий ҳолатни энг кичик истиқомат даражасидан юқори деб, 9,81%и эса энг кичик истиқомат даражасидан паст деб ҳисоблайдилар. Бироқ Бухоро шаҳрида Олот ва Қорақўл туманларига нисбатан оилаларнинг моддий таъминот ҳолати истиқомат даражасидан жуда кам ҳолатларда паст бўлди: мос ҳолда 4,39% га қарши 12,85% ва 12,19% ($p < 0,05$).

Аксарият аёллар (47,24%) ўткир респиратор касалликларни бошидан ўтказган. Кам ҳолатларда овқат ҳазм қилиш тизим орган касалликлари (16,06%), камқонлик (14,28%), гипертония (9,59%), сурункали пиелонефрит (3,76%) қайд этилди. Тадқиқот туманларида оналарнинг саломатлик кўрсаткичлари ўртасида сезиларли фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$). Умуман олганда 99,58% болаларда ривожланишнинг антинатал даврида, оналарнинг ҳомиладорлик вақтидаги ўткир ва сурункали касалликлари билан боғлиқ бўлган нохуш омиллар таъсир этади. Кейинчалик, эрта ва мактабгача ёшдаги

даври болаларнинг юқори (100%) касалланиши билан тавсифланди: ўткир респиратор касалликлар - 71,43%, ЛОР-орган касалликлари - 65,17%, камқонлик - 18,37%, аллергия - 10,74%, овқат ҳазм қилиш тизим касалликлари - 8,66%, анамнезида бошидан ўтказган юқумли касалликлар (сув чечак - 8,03%, вирусли гепатит - 9,07%, тепки - 0,52%), эндокрин касалликлар - 0,94%, буйрак касалликлари - 0,73%, асаб тизим касалликлари - 3,40%, юрак қон томир тизим касалликлари - 0,10%. Шаҳар ва қишлоқда истиқомат қилувчилар ўртасидаги соматик касалланиш ўртасидаги фарқлар унч катта бўлмади: Олот в Қоракўл туманларига нисбатан Бухоро шаҳрида аллергия (мос ҳолда 6,90% ва 9,38% га қарши 15,94%, $p < 0,05$) кўп кузатилди, - вирусли гепатит (10,97% ва 11,25% га қарши мос ҳолда 5,00% , $p < 0,05$) кам учради.

Қишлоқдаги тенгдошлари билан солиштириш бўйича шаҳар жойларида истиқомат қиладиган болаларда кўкрак сути билан эмизиш давомийлигини қисқалиги ва чақалоқларни аралаш овқатлантиришга янада эрта ўтказилиш аниқланди. Аксарият болаларда мактабгача ёшдагилик вақтида овқатланишни бузилиши аниқланди: янги ҳўл меваларни етарли даражада қабул қилмаслик (34,1%), овқатни мунтазам равишда истеъмол қилмаслик (26,71%), юмшоқ таомларни афзал билиш (28,78%) ширинликларни кўп истеъмол қилиш (61,48%). Шаҳардагилар билан солиштирилганда қишлоқ болаларида каттиқ таомларга берилганлик ва овқатни мунтазам равишда истеъмол қилмаслик қайд этилди. Аксарият болалар учун ҳар куни ширинликларни истеъмол қилиш хос (44,23%), фақат баъзилари (0,63%) шакар сақловчи маҳсулотларни мутлақо истеъмол қилмайдилар (2-жадвал). Аксарият болалар ҳар куни ширин ичимликлар истеъмол қиладилар: шакарли сут - 29,01%, шакарли чой - 45,86%, лимонад, кола - 12,5%, бошқалар - 10,53%.

2-жадвал

Мактабгача ёшдагилар томонидан ширин маҳсулотларни қабул қилиш сони

Ширинликларни истеъмол қилиш сони	Жавоб вариантлари (%)			
	Бухоро шаҳри	Олот тумани	Қоракўл тумани	Стандартлаштириш кўрсаткичлари
	N=320	N=319	N=320	N= 959
Ҳафтада 1-3 марта	6,57	10,97	10,31	9,28
Ҳафтада 4-5 марта	59,69	26,33 ^a	51,56 ^b	45,86
Ҳар куни, кунига бир марта	28,44	21,63	26,88	25,65
Ҳар куни, кунига бир неча марта	4,06	40,75 ^a	10,93 ^{a,b}	18,58
Ширинлик истеъмол қилмайди	1,25	0,31	0,31	0,63

^aБухоро шаҳридаги болаларга нисбатан аҳамиятли фарқлар ($p < 0,05-0,01$);

^b Қоракўл ва Олот туманлари ўртасидаги аҳамиятли фарқлари ($p < 0,05-0,01$).

Барча туманлардаги мактабгача ёшдаги болаларда аниқланган енгил ўзлаштирилувчи углеводларни қабул қилиш сонини юқорилиги вақтинчалик тишлар ва ёриб чиққан доимий тишлар кариесини ривожланишида эпипатогенетик омил бўлиб ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, аксарият мактабгача ёшдагилар ҳар куни тишларни ювишга одатланмаган (38,97%), фторидли тиш пасталарини қўлламайдилар (57,68%), қўшимча гигиеник предметлар (99,06%) ва воситалардан фойдаланмайдилар (96,14%), улар тишларини ота оналарининг назоратисиз тозалайдилар (35,25%) ёки умуман тишларини тозаламайдилар (7,39%). Қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи мактабгача ёшдагилар шаҳарлик тенгдошларига нисбатан фторидли тиш пастасидан кам фойдаланадилар ва тишларини кўпинча ота-оналарининг назоратисиз тозалайдилар. Тадқиқот натижалари мактабгача ёшдаги болаларда тишлар кариесини ривожланишини ижтимоий-иқтисодий, тиббий-биолгик ва руҳий ҳулқий ҳавф омилларини юқори даражасини кўрсатади, биринчи навбатда болалар оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилаш ва ширин ичимликлар ҳамда маҳсулотларни истеъмол қилишни камайтиришга қаратилган кариесларни олдини олиш дастурлари зарурлигини асослайди.

